

### ХIII – ХIV АСР БИРИНЧИ ЯРМИ БУХОРО ИЛМ-ФАНИДА САТТОЖИЙЛАР СУЛОЛАСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЎРНИ

Гулмира Очилова

Тарих институти катта илмий ходими

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7402906>

**Аннотация.** Мазкур мақолада Турон халқларининг мўғуллар итилоси даврида оғир кунларни бошидан кечиришига қарамай илм-фан масалаларини ёритишига эътибор қаратилган. Бунда Бухорода икки аср давомида яшаб фаолият кўрсатган Саттожийлар оиласи вакилларининг фаолиятини ёритиши орқали бу даврдаги илм-фан ва диний масалалар ёритилган. Мазкур оиланинг 10 га яқин вакиллари ҳақида келтирилган маълумотлар орқали халқимизнинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан оғир вазиятда ҳам илм олий, маърифат тарқатишидан чекинмаганлиги манбалардаги маълумотлар орқали очиқ берилган.

**Калим сўзлар:** мўғуллар итилоси, Бухоро, Саттожийлар оиласи, илм-маърифат, диний илмлар, воиз, тафсир, ислом дини.

### РОЛЬ ПРЕДСТАВИТЕЛЕЙ ДИНАСТИИ САТТОДЖИ В БУХАРСКОЙ НАУКЕ ПЕРВОЙ ПОЛОВИНЫ ХIII - ХIV ВВ.

**Аннотация.** В данной статье, несмотря на то, что туранские народы пережили тяжёлые времена во время монгольского нашествия, внимание уделяется вопросам науки. В нем освещаются научные и религиозные вопросы этого периода путем освещения деятельности представителей рода Саттоджи, живших и творивших в Бухаре на протяжении двух столетий. Благодаря предоставленным сведениям о примерно 10 представителях этого рода из источников выявляется, что наш народ не уклонялся от распространения знаний и просвещения даже в трудной экономической и социальной ситуации.

**Ключевые слова:** монгольское нашествие, Бухара, семья Саттоджи, просвещение, религиозные науки, проповедник, интерпретация, исламская религия.

### THE ROLE OF REPRESENTATIVES OF THE SATTOJI DYNASTY IN BUKHARA SCIENCE IN THE FIRST HALF OF THE 13TH - 14TH CENTURIES

**Abstract.** In this article, despite the fact that the Turanian peoples experienced hard times during the Mongol invasion, attention is paid to scientific issues. It highlights the scientific and religious issues of this period by highlighting the activities of representatives of the Sattoji family, who lived and worked in Bukhara for two centuries. Thanks to the information provided about about 10 representatives of this genus, it is revealed from the sources that our people did not shy away from the dissemination of knowledge and education even in a difficult economic and social situation.

**Keywords:** Mongol invasion, Bukhara, Sattoji family, enlightenment, religious sciences, preacher, interpretation, Islamic religion.

ХIII-ХIV асрнинг ўрталаригача бўлган даврда Турон шаҳарларида тасаввуф илми ўзига хос тарзда ривожланади ва янгича йўналишларда бойида. **Тасаввуф вакиллари** аҳолининг маданий кадриятлари ва диний тажрибасидан келиб чиқиб илмий жиҳатдан асосланган ҳолда кенг тарқалди. “Яссавия”, “Кубравия” ва “Хожагония” (“Накшбандия”)

тариқатлари вужудга келиб, машҳурликка эришган. Бу пайтга келиб, мутасаввифлар томонидан тариқатларининг назарий ҳамда амалий асослари тизимлаштирилиб кўпгина асарлар яратилади. Бу борада ханафий фақиҳлар ва уларнинг издошлари муҳим ўринга эга бўлишади. Жумладан, XIII асрга келиб Бухорода илм-фан, диний илмлар, фикҳ ривожига бир неча оила вакиллари катта ҳисса қўшган. Улар эга бўлган билимларини авлоддан-авлодга мерос қилиб қолдирган. Шундай кўзга кўринган оилалардан бири бири саттожийлар бўлиб, улар ханафий мазҳабининг йирик намояндalари ва дунёвий илмларнинг билимдонлари сифати XIII-XIV асрларда ўзига хос мавқени эгаллашади. Бу оила вакиллари ҳам Бухородаги уч юз элликдан ортиқ фақиҳлар сингари кўплаб фикҳий ва диний асарлар ёзиб қолдирганлар. Лекин, бугунги кунга қадар тадқиқотларда бу оила вакиллари ҳақида маълумотлар учрамайди. Бунга сабаб саттожийлар томонидан ёзилган асарларнинг сақланиб қолмаганлиги ва улар ҳақида манбаларда маълумотлар кам учрашидир. Оила вакиллари фаолиятига оид муҳим маълумотлар Муин ул-Фуқаро Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорийнинг “Тарихи Муллозода дар зикри мазорати Бухоро” асарида келтирилади.

Саттожий имомлари номи билан халқ орасида машҳур бўлган оила вакиллари фақатгина диний илмлари билан эмас, дунёвий фанлар ва адабиёт билан ҳам шуғулланишган. Бу ҳам уларнинг XIII-XIV аср Бухоро илм-фани ривожига катта ҳисса қўшганлигини билдиради.

Ушбу оиланинг дастлабки вакили олим, имом ва муфтий Мавлоно Сайфиддин Саттожий ҳисобланади. Олим 1243 йилда, 93 ёшида вафот этган. Саттожийлар оиласининг бошқа вакилларида фарқли унинг фаолияти ҳақида батафсил маълумотлар учрамайди.

Бу оиланинг яна бир вакили Сайфиддин Саттожийнинг ўғли Мавлоно Жамолиддин Саттожийдир. Унинг ҳаёти, фаолияти ва ёзган асарлари хусусида эса “Тарихи Муллозода” асарида батафсил келтирилади. Сайфиддин Саттожий Чингизхон боқини даврида 1221 йилда Ғазнадан Бухорога келган. Бу ерга келиб жойлашгач, фарзандлари ва издошларини Бухорода қолдириб, ўзи Хўжандга Шайх Маслаҳатиддин ҳузурига йўл олган. Бу ерга боришдан Жамолиддин Саттожийнинг мақсади ўша давр анъанасига кўра, ўзидан юқори мавқеда бўлган шайхнинг дуосини олиб, Бухорода ўз фаолиятини бошлаш бўлган. Диний илмларни ўргатиш ва инсонларни маърифатга етаклаш борасида унинг кейинги фаолияти жуда самарали бўлган ва шу сабабдан Жамолиддин Саттожийга нисбатан ахёрлар муктадоси (эргаштирувчи) ва аброрлар пешвоси деган ном берилган. У умри давомида етти марта ҳажга борган. 1246 йилда 73 ёшида вафот этган.

Умри давомида кўп марта ҳаж қилиши, одамларни дин йўлидан оғишмай ислом дини амалларига риоя қилишга ундаши билан бир қаторда Жамолиддин Саттожий ўндан ортиқ турли соҳаларга оид асарлар ёзган. Улардан энг йириги 100 бобдан иборат диний билимларга оид “Зод ул-музаккирин” (Воизлар озиғи) асари ҳисобланади. Бундан ташқари муаллифнинг “Такмилат ул-латоиф” (Латоиф асарига қўшимчалар), “Ахоир ул-захоир” (“Энг яхши захиралар”) ва “Одоб ут-тасаввуф” (“Тасаввуф одоби”) асарлари ҳам мавжуд бўлган.

Айни диний ва фикҳий илмларга эътибор қаратилган ва бу соҳа ривожланган даврда Жамолиддин Саттожий дунёвий фанлар билан ҳам шуғулланишга киришган. Бу бора у алгебра фанига оид бир қанча асарларни ёзган. Унинг қаламига мансуб “Ашорат”

(“Ўнликлар”), “Ишрин” (“Йигирмалик”), “Арбаин” (“Қирқлик”) асарларида математик бирликлар ва улардан ўлчов бирлиги сифатидан фойдаланишдан бошлаб, то мураккаб амалларни бажаришгача бўлган жараён шарҳлаб ўтилган. Муаллифнинг бу асарлари кейинчалик Турон ҳудудлари бошқарувчиси бўлган Маъсудбек (1238-1289) томонидан Бухорода қурдирилган “Маъсудия” ва “Хония” мадрасаларида дарслик сифатида ўқитилган.

Жамолиддин Саттожий диний ва математикага оид асарлардан ташқари адабий асарлар муаллифи ҳам саналади. Унинг қаламига мансуб “Қиссаи Юсуф”, “Малжа ул-музаккирин” (“Воизлар паноҳи”) ва “Китоби Ёдгор” (“Эсдалик китоби”) деб номланувчи асарлари XIII асрда Бухорода адабий асарлар ёзишда муҳим қадам ҳисобланади. Унинг бу фаолияти кейинги йилларда фарзанлари ва набиралари томонидан ҳам давом эттирилади. Жамолиддин Саттожий мазкур даврда девон тартиб қилиш анъаналарини ҳам давом эттириб, араб, форс тилларида “Девони арабий”, “Девони форсий” деб номланувчи асарлар яратган. Бунда кўриниб турибдики, бухоролик бу аллома бир нечта фанлар ва соҳаларда ўз даврининг билимдони бўлиб етишган. Афсуски Жамолиддин Саттожий асарлари бугунги кунгача сақланиб қолмаган. Унинг асарлари номлари муаллиф Аҳмад бин Маҳмуд Бухорий асарида келтириб ўтилган.

XIII аср Бухоро илм-фани ривожига катта ҳисса қўшган Саттожийлар хонадонининг яна бир вакили Амир Шамсиддин бўлиб, у Мавлоно Жамолиддиннинг ўғли ҳисобланади. Илм-маърифатли оилада тарбия топган Амир Шамсиддин ҳам отаси ва бобоси сингари умрини мўғуллар ҳукмронлигининг оғир йилларида ўтказган. Ўз даврида олим, обид, муфтий ва мударрис сифатида танилган Шамсиддин Бухорода Хония мадрасасининг мударриси бўлган. Отаси ва оиласининг бошқа вакиллари сингари асарлар ёзмаган бўлса ҳам Амир Шамсиддин илм зиё тарқатувчи сифатида Бухоро халқи орасида жуда катта обрўга эга бўлган.

Мавлоно Жамолиддиннинг яна бир ўғли Мавлоно Камолиддин ҳам олим, муфассир, муҳаддис ва музаккир сифатида танилиб, бир қанча асарлар муаллифи ҳисобланади. Отаси сингари адабиётга ва диний илмларни шарҳлашга иштиёқи баланд бўлган олим “Латоиф ут-тафсир” (“Тафсир нозикликлари”), икки жилдли “Мифтоҳ ул-музаккирин”, (“Воизлар калити”) ва икки жилддан иборат “Қиссаи Юсуф” асарларини ёзган. Бундан ташқари у мўғуллар ҳукронлиги остидаги шаҳарларни кезиб ваъзлар айтиб юрган. Мавлоно Камолиддин таъсирли ва қийинчилик кунларида одамларни кўнглига таскин берувчи маърузалари билан халқ орасида шуҳрат қозонган ва улуғланган. Иқтисодий таназзулни бошидан кечираётган ва ижтимоий жиҳатдан ҳам оғир аҳволда бўлган халқ учун бу маърузалар руҳий қувват бўлган.

XIII асрнинг 70-йилларига келиб Бухоро халқи яна бир оғир синовни бошидан кечиради. Бу даврда Эрон ва унга қўшни ҳудудларни ўз ичига олган мўғул давлати хулагулар хонадони ҳукмдори Абақохон бошчилигида Чигатой хонадони ҳукмдори Бароқхонга қарши уруш очиб унинг қўл остида бўлган Бухорога бостириб киради. 1273 йилда бошланган бу талон-тарожликлар оқибатида шаҳар бутунлай вайронага айлантирилиб етти йил давомида хувиллаб қолади. Мана шу ҳужумнинг дастлабки кунларида Бухоро шаҳрини Хулагулар қўшинидан ҳимоя қилиш учун шаҳар аҳолисига қўшилиб мудофаага киришган Мавлоно Камолиддин шаҳид бўлган (ким томонда туриб,

кимга қарши курашган?). Унинг илмий мероси ҳақида маълумот қолган бўлса-да, асарлари бугунги кунгача сақланиб қолмаган.

Мавлоно Камолиддиндан кейин унинг фарзандлари Хованд Шоҳ Фахриддин, Хованд Тожиддин ва Хованд Садриддинлар ҳам Бухоро илм-фанига ҳисса қўшишади. Хованд Шоҳ Фахриддин – олим, зоҳид, Қуръон тафсирчиси ва воиз сифатида шуҳрат қозонган. Хованд Тожиддин эса шариат ва тариқат босқичларини босиб ўтган ва уларнинг химоячиси бўлган. Ота-боболари ишларини давом эттирган Хованд Тожиддин “Бўстон ул-музакирин” (“Воизлар бўстони”) асарини ёзган. Унинг бу асари ҳам Бухоро адабий асарлар ёзиш анъаналарида ёзилган ва XIV аср илмий адабиётида муҳим ҳисобланган. У 1330 йилда вафот этган. Саттожийлар оиласининг манбаларда маълумот сақланиб қолган бу охириги вакили Мавлоно Камолиддиннинг ўғли Хованд Садриддин ҳам умри давомида ислом дини илмлари билан шуғулланган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, XIII-XIV асрларда Турон ҳудудлари мўғуллар ҳукмронлиги билан боғлиқ зиддиятли ва мураккаб жараёнларни бошидан кечирган. Шунга қарамай ўлканинг қўхна маданияти тараққиётдан тўхтаб қолмаган. Бухорода машҳур бўлган Садру-ш-шариалар ва Ҳасирийлар каби фақиҳлар оиласи сингари қарийб икки аср давомида Бухоронинг диний ва дунёвий илмлари ривожланишига ҳиссаларини қўшган саттожийлар хонадони вакиллари ҳам мўғуллар ҳукмронлиги даври қийинчиликларига қарамай ўз мақсадларини амалга оширишда тўхташмаган. Бу эса Турон шаҳарлари маънавий мероси ва кадрияталарини мазмунан бойитиб юксалишига ижобий таъсир ўтказган.

## REFERENCES

1. Муин ул-Фуқаро Аҳмад ибн Маҳмуд (Муҳаммад) Бухорий. “Тарихи Муллазода дар зикри мазороти Бухоро”. Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти. №5056/1, №46/1. Форс тилидан таржима, муқаддима, тадқиқ ва изоҳлар муаллифи К. Раҳимов. Тошкент. 2019.
2. Аҳмад бин Маҳмуд. Тарихи муллазода. ЎзР ФА Шарқшунослик институти. Қўлёзма. № 46/1. 22-вароқ.
3. История Бухары. С древнейших времен до наших дней. Ташкент. 1976. С.105.
4. Асророва Лобар. Абу Ҳавс Кабир Бухорий ваанафий фикҳи. Тошкент, 2021.
5. И.Ражабова. Бухоро тарихи. Бухоро, 2019.